Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ШАЪБОН, 28-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҲУТ, 14-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1992 ЙИЛ 3 МАРТ, СЕШАНБА, 45-СОН • 296 • | НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 60 ТИЙИН.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ БИРИНЧИ БАҲОРИ

⊙ БАҲОР бошланди. Задарё районидаги «Наманган» давлат хўжалигида кўкламга тараддуд ишлари авж олдириб юборилди. Хўжаликнинг Ўзбекистон халқ депутати Абдураҳмон Убайдуллаев бошқарувчилик қилаётган 6-бўлими пахтакорлари сув йўлларини таъмирлаш, экин майдонларини партов ерлар ҳисобига яхшилаш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, техникани экиш мавсумига ҳозирлаш каби ишларни қизғин олиб боришмоқда.

Бу ишларга Абдураҳмон ака Убайдуллаев ҳамиша бош-қош. Деҳқончиликнинг серташвиш ана шундай масъулияти ҳам унинг депутатлик вазифаларини бажаришига ҳалақит бермаяпти. Абдураҳмон ака сайловчиларнинг талаб-истакларини бажариш ҳаракатида тиниб-тинчимайди.

— 750 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Бу йил чўл шароитида ҳар гектар ердан 20 центнердан ҳирмон кўтаришга бел боғладик. Пахтакорларимизнинг шу кунлардаги саъй-ҳаракатлари шунга қаратилган, — дейди Убайдуллаев.

Ҳақиқатан ҳам миришкорлар даласида бўлган киши «Кўклам меҳнат билан кўркам» деб бежиз айтилмаганлигининг гувоҳи бўлади. Ҳар бир ишдаги саранжом-саришталик эртанги улкан режаларнинг бажарилишидан гувоҳлик бериб турибди.

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ депутати Абдураҳмон Убайдуллаев.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республикамизга ташриф буюрган Саудия Арабистони «Хенел Индастриз ЛТД» консорциумининг ижрочи директори шайх Холид Аҳмад Ризони 29 февраль куни қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти меҳмонга республикамизнинг имкониятлари, унинг ноёб табиий бойликлари ҳақида ҳикоя қилди.

Суҳбат чоғида қўшма корхоналар барпо этишга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришда ана шундай корхоналарнинг аҳамияти беқиёс эканлиги уқтирилди.

И. А. Каримов Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида барча соҳаларда амалий алоқаларни ривожлантириш иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстликни қарор топтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади деб ишонч билдирди.

Шайх Холид Аҳмад Али Ризо кўрсатилган иззат-ҳурмат ва эътибор учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Ражабов, Ўзбекистон Республикасининг молия вазири Э. Боқибоев, Ўзбекистон Республикаси миллий абнки бошқарувининг раиси Р. Азимов иштирок этдилар.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ, УзАХБОР мухбири.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● **Халқ истеъмол моллари ва ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқарадиган «Совпластитал» қўшма корхонаси, Тошкент политехника университети кимё-технология факультетининг аълочи талиблари учун ҳар бири 200 сўмдан йигирмага махсус стипендия ажратди. Бу стипендиялар корхонанинг фойдаси ҳисобидан тўланади. Жорий йил бошидан буён «Совпластитал» Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига эллик минг сўм пул ўтказди.**

● Республикамиздаги кўпгина географик жойлар ота-боболаримиз, тарихий шахслар номига қўйилган эди. Кейинчалик улар билар-билмас ўзгартирилиб, натижада айрим жойлар Ўзбекистон тарихига умуман дахли бўлмаган кишиларнинг номлари билан аталди. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган республика илмий-амалий кенгаши ана шу масалани атрофлича муҳокама қилди. Йиғинни давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси таркибидаги топономия комиссиясининг раиси Н. А. Муҳиддинов очди. Комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академияси тилшунослик институти директорининг ўринбосари, филология фанлари доктори Э. Бегматов «Жой номлари — тарихий-маданий ёдгорлигимиз» мавзуида маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар жой номларининг ижодкори халқ эканлигини таъкидлаб ўтишди. Бу номлар ўзбек тилининг турли тарихий даврлардаги ривожи маҳсулидир. Шунинг учун ҳам уларда халқнинг қадимий ўтмиши, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, хўжалиги ва турмушининг турли қирралари, узоқ тарихдан то шу бугунгача бўлган маданий-маънавий, диний-фалсафий, ахлоқий қарашлар акс этган. Ҳар бир ном халқнинг кўп асрлик ўтмиши, маданияти, урф-одати, расм-русуми, барҳаёт анъаналари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Кенгашда Ўзбекистон ҳудудидаги жойларни ва бошқа жуғрофий объектларни номлаш қоидалари белгилаб олинди.

● **Жанубий Африка Республикаси билан Россия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ҳар икки мамлакат ташқи сиёсий маҳкамаларининг бошлиқлари Рулоф Бота ва Андрей Козирев имзолашган ҳужжатда ана шунга келишиб олинди.**

● Нарх-наво яна ошармиш, деган миш-мишлар авжига чиққан бир пайтда, яъни кўкламнинг биринчи кунида москваликлар аввалги баҳоларда мол сотиб олдилар.

● **Арманистон Мудофаа вазирлиги ўзининг доимий миллий армиясини тузишга киришди.**

● Халқаро валюта жамғармаси матбуот бўлимининг Вашингтонда тарқатган ахборотидан маълум бўлишича, Туркманистон ҳукумати шу молиявий ташкилотга кириш ҳақида расмий ариза берган. Халқаро валюта жамғармасининг низомига мувофиқ Туркманистон аризаси ижроия маъмурияти томонидан кўриб чиқилади, сўнгра у ўз тавсияларини узил-кесил қабул қилиш учун халқаро валюта жамғармаси бошқарувчилари кенгашига тақдим этади.

● **Бир ой муқаддам Россия Президенти Борис Ельцин билан МДҲ бирлашган қуролли кучлари бош қўмондони маршал Евгений Шапошниковнинг ташрифлари вақтида келишилган аҳдвашувлар ривожлантирилиб, Буюк Британия Россиянинг ядро қуролларидан учдан икки қисмини қисқартириш режасини амалга оширишда ёрдам берадиган бўлди.**

Мамлакат мудофаа вазири Том Кингнинг айтишича, бу ишни амалга ошириш учун портловчи каллакларни хавф-хатарсиз ташишга мўлжалланган 250 та махсус контейнер, уларни ташиш учун эса 20 та зирҳли машина ажратилди, парчаланувчи ашёларни жойлаштиришга ва улардан келгусида фуқаро атом энергетикасидан фойдаланиш эҳтимолига таваллуқли маслаҳатлар берилади. Ҳаммаси бўлиб кўп йилга мўлжалланган режанинг биринчи йилида Лондон ўн миллион фунт стерлинг ажратди.

● АҚШ давлат котибининг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё ишлари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Эдвард Жережяннинг айтишича, Саддам Ҳусайн «БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳамма қарорларига тўла-тўкис ва дарҳол бўйсуниши керак»лигини Қўшма Штатлар Ироқ президентига аниқ-равшан қилиб айтди. Э. Жережян АҚШ ахборот бошқармаси (ЮСИА)нинг жаҳон телевидение тармоғи орқали гапириб, ҳали ҳам Ироқ оммавий қирғин қуролини яратишга уринаётганини таъкидлаб ўтди.

● **Украина Олий Кенгаши раёсати Крим халқи ва Олий Кенгашига баёнот билан мурожаат этди. Кейинги пайтларда, дейилади ана шу ҳужжатда, муайян сиёсий кучлар Крим мухторлигининг мақомини ўзгартиришга чақирмоқдалар, бу Украина чегараларини ўзгартиришга уринишнинг ўзгинасидир. Раёсат Крим халқига мурожаат этиб, Конституция ишлаб чиқишга доир ҳамма масалаларга етти ўлчаб бир кесган ҳолда муносабатда бўлишга, Украина халқининг ижтимоий тинчлик ва аҳиллиқда яшаши ҳақида ғамхўрлик кўрсатишга ундади.**

● Абакандаги автобус ва троллейбусларда касса аппаратлари олиб қўйилди. Биринчи мартдан бошлаб Ҳакасия пойтахтида шаҳар транспортида юриш текин бўлди.

● **Ўзбекистон пойтахтида яна битта бозор тузилмаси ташкил этилди — Осиё халқаро тижорат акционерлик банки очилди. Унинг муассислари — «Тошкент» биржаси, Покистоннинг «Табани» концерни, Тошкентдаги «Интер-Азия» ва «Фарҳод» фирмалари, «Ўзбекбирлашув», Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банкидир. Улар янги банк моллар, хомашё, хизматлар, кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар, аҳолий меҳнат маҳсулотлари бозорини ривожлантиришга кўмаклашади, деб умид қилмоқдалар.**

● Собиқ Совет Иттифоқидан яҳудийларнинг Исроилга «буюк кўчиши» суръати жуда секинлашиб қолди. Англияда чиқадиган «Дейли телеграф» рўзномасининг хабар қилишича, февраль ойида у ерга атиги тўрт минг киши борган. Бу эса кейинги икки йил мобайнидаги кўчишнинг энг паст кўрсаткичидир. 1990 йил декабрь ойида эса 35 минг киши борганди.

● **Аргентинанинг машҳур футболчиси Диего Марадона наркотик моддалар ғуфайли чиққан маълум можародан кейин футбол билан шуғулланмай қўйган эди. Мана энди у бекорчилик жонига тегиб, охири кўнглига ёқадиган машғулот топгандай бўлди. Марадона бундан буён Аргентина телекўрсатувида футбол ўйинларини шарҳлайди.**

(Ахборот агентликлари ва хориж рўзномаларидан хабарларидан сараланди).

ФРАНЦИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Республика Бош вазири А. Муталов биринчи март куни Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган, Франция делегацияси аъзоларини қабул қилди. Делегацияга Франция Республикасининг ташқи ишлар давлат котиби Ален Вивьен бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар мустақил Ўзбекистондаги ҳозирги сиёсий ва иқтисодий вазият билан таништирилди. Ушбу ташриф республикамиз билан Франция ўртасида янада мустаҳкам алоқа ўрнатиш ишида жуда катта аҳамиятга эга бўлади, деб умид билдирилди. Шунингдек А. Муталов ҳурматли меҳмоннинг бир қанча саволларига жавоб қайтарди.

Франция давлат котиби кўрсатилган иззат-икром учун республикамиз ҳукуматига миннатдорчилик билдирди. Ўрта Осиёнинг энг катта минтақаси бўлмиш Ўзбекистонга барча соҳалардаги ҳамкорлик режалари ҳақида музокара юритиш учун келдик ва ҳукуматларимиз умумий тил топишларига аминман, деди у.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев қатнашди.

Шу куни республика ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги тўғрисида қўшма протокол имзоланди. Уни Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев билан Франция ташқи ишлар давлат котиби Ален Вивьен имзоладилар.

Душанба куни меҳмонлар Самарқандга сафар қилдилар.

(ЎзАХБОР).

ВЕНГРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Бош вазир А. Муталов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан Венгрияга жўнаб кетди.

Делегацияни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзАХБОР).

НОННИНГ БОРМИ — МУСТАҚИЛСАН!

БОЗОРГА БОРГАН ФОЙДАНИ КЎЗЛАЙДИ

Гапнинг тўғрисини айтадиган бўлсак кейинги йилларда иқтисоддан кўра кўпроқ сиёсат билан шуғулланадиган бўлиб қолдик. Бундай сиёсий фаоллигимиз эса шундоқ ҳам баракаси учган истеъмол бозорини янада ночорлаштирди. Узоқ йиллар қаттиқ тартибга кўникиб қолган деҳқон фаолиятидаги номувофиқликлар манбаини даладан эмас, жумҳурият ҳўжалигини юритиш учун масъул бўлган ўртоқларнинг меҳнат маромидан изламоқ керак. Ана шундай мулоҳазалардан сўнг одам ўйлайди: кейинги йилларда деҳқонга жуда катта эркинликлар берилди. Аммо бу ўзбошимчалик дегани эмас. Худди шу маънода «Халқ сўзи»да савоб сандиғи очилгани — Ўзбекстонимиздаги бу етакчи газета нон масаласини ўз назоратига олгаллиги жуда яхши, жуда кўнгилдагидай иш бўлди.

Чунки биз биламиз — деҳқонга берилган эркинликлар уларга жуда қимматга тушаяпти. Минерал ўғитлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг чакана нархлари тоқат қилиб бўлмайдиган даражада қимматлашиб кетди. Бу эса деҳқон фаолиятини тушовлаб ташлашдай бўлак ҳеч нарса эмас. Худди шу маънода «Халқ сўзи»... аминлиги, васийлиги, қозилиги, ҳакамлиги билан дон, нон хусусида мулоҳаза, муҳокама, фикрлашув, маслаҳатлашув, тортишув, олишув бошланиб, уруғнни саралаш, экиш, майсани ундириш, парваришлаш, бошоққа эндириш, етилтириш, ўриш, янчиш, ташиш, омборлаш, сақлаш, ун-лаш, таҳсимлаш, пишириш, сотиш, ейиш... яна қанчадан қанча масалалару муаммолар ҳақида эринмай, зериқмай, ҳеч кимни аямай, бетингда кўзинг борми демай, айбдор-гуноҳкор фуқародан тортиб вазиргача танқиду фош қилиб мақолалар берилиши, айни муддаодир.

Биз ҳозир маъмурчилик деб таърифлаётган ўша тўкин сочин етмишинчи-саксонинчи йилларда ҳам Ўзбекистоннинг боши тақчиллиқдан чиқмаган. Масалан, ўша йиллари Ўзбекистонда гўшт истеъмол қилиш Иттифоқ кўрсаткичидан икки-уч марта кам эди. Бошқа танқис таомларни истеъмол қилиш ҳам белгилаб қўйилганидан анча паст эди. Аммо биз бу-ларнинг ҳаммасини ўрнини нон билан тўлдирар эдик. Чунки ўша йиллари Иттифоқ четдан жуда кўп миқдорда ғалла сотиб олар, у арзон, шунинг учун ун ҳам, нон ҳам кўп эди. Мана энди қайта қуриш шарофати билан нон ҳам тўйгунича бўлмай қолди.

Ўзбекистонда Деновни билмаган одам жуда кам. Бу район ўзининг жуда кўп жи-бир карамини бериши ҳеч гап эмас. Чунки деновликлар карамни томорқага экадилар ва ундан ҳаддан ташқари юқори ҳосил оладилар. Эртанги карам апрелнинг охирига бориб дастурхонга қўйилади. Деновда ҳамма экиндан ҳам мўл ҳосил олиш мумкин ва бу ерда ҳамма нарса етиштириш мумкин.

Аммо бугунги суҳбатнинг мавзуйи дон-нон бўлганлиги учун мен ана шу ҳақда гапирмоқчиман.

Яна бир гапни айтайин — Деновнинг буғдойи жуда қаттиқ. Ўзингиз биласиз: доннинг бу нави халқда қадрланади. Деновда етиштириладиган буғдойнинг бу фазилати районнинг географик ўрни, табиий иқлими билан ҳам изоҳланса ажаб эмас. Аммо Денов буғдой етиштиришга ихтисослашмаган район. Ҳатто у сабзавотга ҳам ихтисослаштирилмаган. Ҳамма районлар сингари Денов ҳам пахтачиликка ихтисослашган ва бунинг муқаддас ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Чунки, Шўролар Иттифоқининг пахта мустақиллигини таъминламоқ учун ана шундай қилиши керак эди. Аммо энди замон ўзгарди — пахта мустақиллигини таъминлаш лозим бўлган Шўролар Иттифоқининг ўзи йўқ. Аммо Ўзбекистон бор ва бугун уни қарийб жаҳоннинг юзта давлати тан олди. Ўзингиз биласиз — пахта ҳамма жойда ўсмайди. Шунинг учун жаҳон бозорида унинг баҳоси баланд, талаб катта. Аммо мустақил Ўзбекистонга бугун нон—арзон нон керак бўлаяпти. Ана шунинг учун ҳам биргина Денов районида ғалла экиладиган майдонлар бир йилда қарийб икки баробаргa кенгайди. Ўтган йили биз уч ярим минг гектарга бошоқли дон эккан эдик. Шунинг бир минг етти юз гектари суғориладиган майдонлар эди. Бир йилда суғориладиган ғалла майдонлари уч минг гектарга кенгайди. Биз ўтган йили суғариладиган майдонлардан ўттиз бир ярим центнердан ғалла олган эдик. Охунбобоев номли, Куйбишев, «8 Март» колхозларида эса бу кўрсаткич қирқ центнер ва ундан юқорини ташкил этди. Кўраяпсизми, Деновда пахтанинг ҳам, ғалланинг ҳам ҳосилдорлиги деярли бир хил. Биз ўтган йил ҳосилининг асосий қисмини ўзимизда сақлаб қолдик ва Президент фармонига мувофиқ ҳар хонадонга юз килограммдан буғдой тарқатилди: арзон нархда сотилди.

Матбуот хабарларидан кўраётирмиз — собиқ Иттифоқнинг жуда кўп шаҳарларида нонинг нархи жуда қимматлашиб кетди. Чунки дон йўқ — нон йўқ. Ваҳоланки, Россия далаларида табиий иқлим шарофати билан ҳосил жуда мўл бўлган эди. Митингбозликлар билан бўлиб жуда катта майдондаги ғаллазорларга ўроқ тушмасдан қолиб кетди. Эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи мойлов материалларнинг танқислиги ҳам ғаллакор меҳнатининг баракасини учирди. Деҳқонлар яхши билади, ғаллани баҳорда эккандан кўра экмаган яхши. Аммо бизнинг Деновда эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материалларининг етишмовчилиги туфайли беш юз гектар майдонга уруғлик ғаллани баҳорда экмоқчимиз — экямиз. Аммо ўзимиз ҳам биламиз — ҳосилдорлик кам бўлади. «Тракторни юргизиш — сеялкани судраш учун солярка йўқ эди». деган баҳонангизни эса ҳеч ким тингламайди ва буни кимларгадир маънилатишнинг кераги ҳам йўқ. Аммо таъминот маромида аниқ тартиб бўлмас экан, бунинг жабрини фақат ва фақат деҳқон тортмайди. Шаҳардаги танқисликларнинг манбаи қишлоқда. Қишлоқ хўжалик ходимларидан бунга изоҳ сўрасангиз, улар ўз навбатида барча айбни саноат ходимларига юклашади ва жуда тўғри қилишади.

Мен юқорида Деновнинг тупроғи жуда ҳосилдорлигини айтган эдим. Биз ҳозир қарийб тўрт минг гектар суғориладиган майдонларга ғалла экаётирмиз. Жуда кўпдан кўп сабабларга кўра ғалла ўрими пахта теримига қадар чўзилиб кетишини ўзингиз ҳам биласиз. Мен айтаман: шундоқ бўлгандан сўнг ана шундай ҳосилдор ерларга юқори ҳосилли, талаб катта бўлган экинларни эксак қандай бўлар экан? Масалан, бизнинг районимизда сабзавот маҳсулотлари экиб, ундан ғалла ёки пахтага қараганда уч-тўрт марта кўп даромад қилиш, ана шу тариқа ердан йил давомида фойдаланиш имконияти бор. Аммо биз кўп йиллик анъанани бузгимиз келмайди — пахта экаверамиз. Ана энди шиддат билан ғалла экиладиган майдонларни кенгайтираётирмиз.

Буюк бобомиз Амир Темур «Дунё тижорат ила ободдур» деган эканлар. Агар бозор муносабатлари мумкин қадар тезроқ барқарорлашганида эди, пул бўладиган нарсани деҳқоннинг ўзи танлаб экаверар эди.

Сурхондарё халқи ҳар йили 200 минг тоннадан зиёд ун истеъмол қилади. Бир сўз билан айтганда ўз имкониятимизни қаноатлантирмоқ учун уч юз эллик минг тоннадан зиёд буғдой етиштиришимиз керак. Ҳозирги шароитда бунча буғдойни етиштиришнинг ҳам, уни йиғиштириб олишнинг ҳам, сақлашнинг ҳам иложи йўқ. Шунинг учун мен айтаман: қаерда қайси экин яхши ўсса, шуни экиш керак. Токи биз ердан юқори даражада фойдаланайлик.

Масалан, Деновга қўшни, тўғрироғи Деновнинг таркибида ташкил этилган Олтинсой районида ҳар йили олтмиш минг тоннадан зиёд узум етиштирилади. Агар биз бозор муносабатларидаги жаҳон тажрибаларига эришсак, фақатгина Олтинсойнинг узуми ёки Деновнинг хурмоси, ерёнғоғи билан ғалла масаласини ижобий ҳал қилиш мумкин. Бу фикрларнинг ҳаммаси шахсий мулоҳазалардир. Шундоқ бўлгандан сўнг, ғалла парвариши, ундан юқори ҳосил олиш учун қилинадиган ҳаракатлар тўхтамайди. Чунки ғалла етиштириш омборда донинг бўлиши, нонга зориқмаслик мутлақо иқтисодий масала эмас. Нон — бугунги куннинг энг катта сиёсий масалаларидан биридир. Шундоқ экан, «Халқ сўзи» таъкидлаганидек, бу ҳаракатдан ҳеч кимнинг четда қолишга ҳаққи йўқ.

Эшмурод ТУРДИАЛИЕВ, халқ депутатлари Денов район кенгашининг раиси, Сурхондарё вилоят кенгашининг депутати.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЛОЙИҲА

ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий асосларини белгилайди, бу хўжаликлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва хўжалик юритишнинг бошқа шакллари билан тенг ҳуқуқли равишда ривожлана олиши учун шароит яратишга қаратилгандир.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Деҳқон (фермер) хўжалиги**

1. Ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги юритаётган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган, уларни қайта ишлаётган ва сотаётган, фаолиятлари кўпроқ деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнатига, ишлаб чиқариш воситаларига ва ўзга мол-мулкка биргаликда эгалик қилишга асосланган оилавий-меҳнат уюшмаларига бирлашган шахслар, шунингдек айрим фуқаро деҳқон (фермер) хўжалиги ҳисобланади.

2. Меҳнат қила олиш ёшига етган, биргаликда қишлоқ хўжалиги юритаётган, асосий меҳнат фаолияти жойи деҳқон хўжалигидаги иш бўлган эр-хотин, фарзандлар, асранди болалар, тутинган ота-оналар, бошқа қариндош-уруғлар, шунингдек айрим фуқаролар деҳқон хўжалигининг аъзоси бўладилар.

3. Хўжаликда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган фуқаролар деҳқон хўжалиги таркибига кирмайдилар.

4. Ерга мунтазам эгалик қилиш ёки ердан мунтазам фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ёхуд ерни ижарага олиш шартномаси кимнинг номига расмийлаштирилган бўлса, ана шу хўжалик бошлиғи давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва айрим шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалигининг манфаатларини ҳимоя қилади. Ер деҳқон хўжалигига умрбод, мерос қолдириш ҳуқуқи билан берилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг 21 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида иш тажрибасига эга бўлган ёки қишлоқ хўжалик мутахассислиги бўлган ёхуд махсус тайёргарлик кўрган, муомалага лаёқатли исталган фуқароси деҳқон хўжалигининг бошлиғи бўлиши мумкин. Деҳқон хўжалигининг бошлиғига гувоҳнома берилади.

Деҳқон хўжалигининг раҳбари бетоблиги сабабли ёки узоқ муддат бўлмаган ҳолларда хўжалик аъзоларидан бирига унинг вазифаларини вақтинча бажариб туриш ваколатини бериши мумкин.

6. Деҳқон хўжалиги давлат, кооператив, якка тартибдаги, жамоат ва ўзга хил корхоналар ҳамда ташкилотлар билан бир қаторда республика қишлоқ хўжалигининг мустақил ва тенг ҳуқуқли ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади.

2-модда. **Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар**

Деҳқон хўжаликлари тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу қонун билан, Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлари билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади. Қорақалпоғистон Республикасида деҳқон хўжаликларини тузиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

3-модда. **Деҳқон хўжаликларини тузиш тартиби**

1. Деҳқон хўжаликлари заҳира ерларда, республиканинг махсус фондидаги ерларда, меҳнат ресурслари етишмайдиган хўжаликларда ва янги суғориладиган ерларда тузилади. Давлат хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фойда бермайдиган ёки кам рентабелли ерларида ҳам деҳқон хўжаликлари тузилиши мумкин.

Деҳқон хўжаликлари жамоа хўжаликларининг ва ўзга кооператив хўжаликларнинг ерларида ушбу хўжаликлар аъзолари умумий йиғилишининг қарорига биноан тузилади.

2. Илмий-тадқиқот, ўқув ва ўзга қишлоқ хўжалик муассасаларига, қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари ва умумтаълим мактабларига берилган, шунингдек саноат, транспорт ва ўзга корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги учун берилган ерларда деҳқон хўжаликлари тузилиши мумкин эмас.

3. Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида ташкил этилади ва ерга мунтазам эгалик қилиш ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати деҳқон хўжалигининг бошлиғига Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонунларида белгиланган тартибда берилади.

13. Деҳқон хўжалигига ажратилган ерларни мелиорациялаш, шу ерларга тўғашувчи йўлларни лойиҳалаш ва қуриш республика бюджети маблағлари ҳисобига ёки деҳқон хўжалиги раҳбарининг истагига биноан деҳқон хўжалиги ҳисобига амалга оширилади.

7-модда. **Деҳқон хўжалигининг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши**

1. Деҳқон хўжалигига берилган ер участкаси тақсимланиши мумкин эмас.

2. Ер участкасининг сақни ва унинг чегаралари деҳқон хўжалиги раҳбарининг розилиги билангина ўзгартирилиши мумкин.

3. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки сотилганда ва ер участкаси ноҳия ҳокимининг қарорига биноан бошқа шахсга, корхонага ёки ташкилотга берилганда деҳқон хўжалиги эгалик қилиш даврида ер участкасининг кадастр баҳоси ошганлигини ҳисобга олган ҳолда участкада қилган сарф-ҳаражатлари учун тўлиқ компенсация олиш ҳуқуқига эгадир.

4. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган ҳолларда ёки пенсия ёшига етган тақдирда ер участкасига эгалик қилиш ва ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини хўжалик аъзоларидан бирига бериши, бундай шахслар бўлмаган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартларда ўзга шахсларга бериши мумкин.

5. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вафот этган тақдирда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи хўжалик аъзоларидан бирига мерос қилиб ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартларда ўзга шахсга ўтказилади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғининг ҳуқуқий ворисига ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи янги давлат ҳужжати тақдим этилади.

6. Деҳқон хўжалигининг аъзолари билан деҳқон хўжалиги бошлиғининг меросхўрлари ўртасидаги ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига доир низолар суд томонидан ҳал этилади.

7. Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатган ҳолларда унга ажратилган ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги масала ноҳия ҳокими томонидан ҳал этилади.

8-модда. **Ер ҳақи**

«Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш пуллидир.

Ер ҳақи ер солиғи ёки ижара ҳақи тарзида, ер участкасининг сифатига, қаерда жойлашганлигига ва сув билан таъминланганлигига қараб, унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган ҳажмда ундирилади.

Деҳқон хўжаликларига солиқ солиш уларнинг ер ҳақи тўловининг ставкаси ва энг кам ҳамда энг кўп миқдорлари давлат, жамоа ва ўзга корхоналар ҳамда хўжаликлардан ундириладиган даражага тенг бўлади.

Деҳқон хўжалиги рўйхатга олинган пайтдан бошлаб дастлабки икки йил давомида ундан ер солиғи олинмайди.

Халқ депутатлари тегишли кенгашлари ер ҳақини ундириш бўйича бошқа имтиёзларни ҳам белгилаши мумкин.

9-модда. **Деҳқон хўжалигида сувдан фойдаланиш**

1. Деҳқон хўжаликлари учун турли сув манбаларидан сув ишлатишнинг лимитлари давлат, жамоа корхоналари ва айрим шахсларга белгилангани каби ноҳия ҳокими ва сув хўжалиги ташкилотлари томонидан белгиланади.

Деҳқон хўжалигига берилаётган сувнинг сарфланишини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

2. Сув хўжалиги идоралари билан деҳқон хўжаликлари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар суд ва ҳакамлик суди томонидан қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

10-модда. **Жамоа хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги кооперативлари аъзолари томонидан деҳқон хўжалигини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари**

1. Жамоа хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги кооперативларининг аъзолари, башарти хўжалик ёки кооператив таркибидан чиқиб, мустақил деҳқон хўжалиги юритиш истагини билдирсалар, кооперативнинг уставига мувофиқ мулк қийматининг ёки фойданинг тегишли улушини олишга ҳақлидирлар, бу улуш кооператив аъзосининг меҳнат иштирокини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

2. Жамоа хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги кооперативлари деҳқон хўжалиги тузиш истагида бўлганларга жамоа хўжалиги ёки кооператив аъзоларига тегишли мулк қийматининг ёки фойданинг улуши ҳисобидан ўзаро келишувга мувофиқ жамоа хўжалигидан чиқаётганларга асосий ва оборот маблағларини берадилар ёки уларни ижарага топширадилар, ёхуд деҳқон хўжалиги банклардан кредит олаётганда кафил бўладилар, ёинки ижара ҳақи ва ссудалардан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш сарф-ҳаражатларини улуш суммаси доирасида қоплайдилар. Мол-мулк қийматининг ёки фойданинг улушини тўлаш муддати беш йилдан ошмаслиги керак.

III БЎЛИМ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛ-МУЛКИ

11-модда. **Деҳқон хўжалигининг мулки**

1. Деҳқон хўжалиги турар жойлар, хўжалик биноларидан, томорқадаги дов-дарахт ва экинлар, маҳсулдор чорва, парранда, қишлоқ хўжалиги техникаси ва анжомлар, ускуналар, транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бошқа нарсаларга мулк эгаси бўлиши мумкин.

2. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкини ҳосил қилиш манбалари:

деҳқон хўжалиги аъзоларининг пул ва моддий маблағларидан;

маҳсулот реализация қилишдан, иш бажариш, хизмат кўрсатишдан орттирилган, шунингдек меҳнат фаолиятининг ўзга турларидан келган даромадлардан;

қимматли қоғозлардан келган даромадлардан;

кредитлардан;

бюджетдан қилинган капитал ажратмалар ва дотациялардан;

корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг хайрия ва ўзга бадаллари, эҳсонларидан;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ўзга манбалардан иборат бўлади.

12модда. **Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи**

1. Деҳқон хўжалигининг мулкчилик ҳуқуқи давлат ҳимоясида бўлади.

2. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки умумий (пайчилик ёки ҳамкорликдаги) эгалик асосида унинг аъзоларига тегишли бўлади.

3. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзолари томонидан ўзаро келишувга мувофиқ амалга оширилади. Мол-мулкни тасарруф этишга оид битимлар хўжалик бошлиғи томонидан ёхуд у ваколат берган ҳўжалик аъзоси томонидан амалга оширилади.

4. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг бири хўжалик таркибидан чиққан тақдирда умумий мулк, одатда, тақсимланмайди. Мулкнинг хўжаликдан чиқаётган шахсга тегишли улуши қиймати унга пул кўринишида тўланади. Пулни бериш тартиби деҳқон хўжалиги барча аъзоларининг ўзаро келишувига мувофиқ, низо келиб чиққан тақдирда эса, суд йўли билан белгиланади. Пулни тўлаш муддати беш йилдан ошмаслиги лозим.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари башарти бошқа деҳқон хўжалигини тузиш мақсадида унинг таркибидан чиқаётган бўлсалар, у ҳолда деҳқон хўжалигидан чиқаётганларида улушларини натура ҳолида олишга ҳақлидирлар. Бундай пайтда мулкдаги улуш натура ҳолида шундай ажратиладики, фаолият кўрсатиб келаётган деҳқон хўжалиги ишлаши учун унга зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум бўлмайди.

5. Деҳқон хўжалиги корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва фуқаролардан мол-мулкни сотиб олиш, ижарага олиш ёки вақтинчалик фойдаланиш учун қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Деҳқон хўжалиги ўз эгалигида бўлган мулкни корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахсларга сотиш ва топшириш, айирбошлаш, ижарага топшириш, вақтинча фойдаланиш учун бериш ҳуқуқига эгадир.

13-модда. **Деҳқон хўжалигининг маблағи ва ҳисоб-китоби**

1. Деҳқон хўжалиги пул операцияларини юритиш ва пул маблағларини сақлаш учун банк бўлинмаларида счётлар очиш ҳуқуқига эгадир.

Деҳқон хўжалиги бу счётнинг маблағларини эркин тасарруф қилади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ўзга тартиб кўзда тутилмаган бўлса, деҳқон хўжалигининг счётидан маблағлар фақат хўжаликнинг розилигига биноан ёки суд қарорига кўра чегирилиши мумкин.

Ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар нақд пулсиз ёки нақд пул ўтказиш йўли билан ишлатилади.

IV БЎЛИМ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

14-модда. **Дўҳқон хўжалигидаги меҳнат**

1. Деҳқон хўжалигининг фаолияти кўпроқ хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Ишлаб чиқариш зарурати бўлган ҳолларда деҳқон хўжалигидаги ишларни бажаришга вақтинча меҳнат шартномаси асосида ўзга шахслар жалб этилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигида меҳнат қилиш тўғрисидаги шартномани тузиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланадиган тартибда тасдиқланади.

2. Деҳқон хўжалигидаги меҳнат тартиби хўжалик аъзолари томонидан белгиланади. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолиятини деҳқон хўжалиги мустақил тарзда ҳисобкитоб қилиб боради.

3. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқаролар меҳнатига томонларнинг келишувига мувофиқ пул билан ҳам, натура билан ҳам ҳақ тўланиши мумкин. Лекин бу ҳақ давлат, кооператив, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги тегишли касб бўйича ишлаётган ходимларнинг ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

4. Деҳқон хўжалиги бошлиғининг розилигига биноан деҳқон хўжалигида шартнома бўйича ишлаётган шахс хўжалик мулкига пул ёки ўзга улуш киритиб, ана шу улушига мутаносиб тарзда хўжалик даромадини тақсимлашда иштирок этишга ҳақлидир.

5. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи ўз хўжалигининг аъзолари учун ва меҳнат шартномаси тузган шахслар учун бехатар меҳнат шароитларини яратиб бериши шарт.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари, шунингдек хўжаликда меҳнат шартномасига биноан ишлаётган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ижтимоий суғурталаниши ва ижтимоий жиҳатдан таъминланиши лозим.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи тегишли касаба уюшмасида ва суғурта идораларида суғурталовчи сифатида рўйхатдан ўтади ва деҳқон хўжалигининг барча аъзолари учун ҳамда меҳнат шартномасига биноан ишлаётган шахслар учун белгиланган тартибда ижтимоий суғурта жамғармасига бадаллар тўлайди.

6. Деҳқон хўжалигида ишланган вақт ижтимоий суғурта юзасидан бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида умумий ва узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

7. Ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари тайинлаш ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади. Деҳқон хўжалигининг аъзоларига ва меҳнат шартномасига биноан ишлаётган фуқароларга тайинланган пенсиялар, олинаётган ойлик (даромади)ни ҳисобга олмаган ҳолда, тўлалигича берилади.

8. Деҳқон хўжалигининг аъзоларига ижтимоий ва маданий хизмат кўрсатиш хўжаликнинг ўз маблағлари ҳисобига ҳамда ижтимоий истеъмол жамғармалари эвазига таъминланади. Деҳқон хўжалигининг аъзолари умумий фойдаланишда бўлган ижтимоий муассасаларнинг хизматларидан жамоа хўжалиги ва ўзга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишчилари, хизматчилари ва аъзолари билан тенг равишда фойдаланишлари таъминланади.

9. Деҳқон хўжалиги билан меҳнат шартномаси тузган шахслар ўртасидаги меҳнатга оид низолар суд томонидан ҳал этилади.

15-модда. **Деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти**

1. Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятининг йўналишини, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмларини мустақил тарзда белгилайди. Деҳқон хўжалиги амалдаги қонунларда ман этилмаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай турлари билан шуғулланишга, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва реализация қилишга ҳақлидир.

Деҳқон хўжалигининг хўжалик фаолиятига давлат, жамоат, кооператив ва ўзга идораларнинг аралашувига йўл қўйилмайди, таркибидаги зарарли моддалар меъёрдан ортиқча бўлган маҳсулотлар етиштирилган ва реализация қилинган, шунингдек деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар ўзгача тарзда бузилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Давлат, жамоат, кооператив ва ўзга идораларнинг қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлари натижасида, шунингдек бундай идоралар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг деҳқон хўжалиги олдида қонунларда кўзда тутилган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда ҳам, шу идоралар, шахслар ва фуқаролардан суд йўли билан ундирилади.

2. Деҳқон хўжалиги мулкчиликнинг бошқа шаклидаги корхоналар билан тенг шартларда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

16-модда. **Деҳқон хўжалиги томонидан маҳсулотларни реализация қилиш тартиби**

1. Деҳқон хўжалиги етиштирган маҳсулотни тасарруф этишдан, шу жумладан уни ўз ихтиёрига кўра давлат тайёрлов ташкилотларига, бозорда, ярмаркаларда, давлат ва кооператив савдо тармоқларида ва бошқа истеъмолчиларга сотишдан иборат мутлақ ҳуқуқ деҳқон хўжалигига тегишлидир.

Деҳқон хўжалиги маҳсулот сифатига доир амалдаги нормативлар ва стандартларга, қонунларда белгиланган экологик, санитария ҳамда ўзга меъёрлар ва қоидаларга риоя этиши шарт.

2. Деҳқон хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотга мустақил нарх қўяди.

3. Деҳқон хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотни реализация қилиш учун давлат, кооператив корхоналари, жамоат ташкилотлари ва муассасалари билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномаларини тузишга ҳақлидир. Шартнома мажбуриятларига риоя қилинмаган тақдирда томонлар амалдаги қонунларда ёки шартномада белгиланган тартибда мулкий жавобгар бўладилар.

Деҳқон хўжалиги етиштирган маҳсулотларни экспортга жўнатиш, шунингдек хорижий мижозлар билан ҳисоб-китоб қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

17-модда. **Деҳқон хўжаликларининг ҳамкорликдаги фаолияти**

Дўҳқон хўжаликлари ихтиёрийлик асосида маҳсулот етиштирувчи, уларни қайта ишловчи ва сотувчи, моддий-техника таъминоти билан, қурилиш, техника, сув хўжалиги, ветеринария, агрохимия хизмати кўрсатиш, маслаҳат бериш ва хизмат кўрсатишнинг ўзга шакллари билан шуғулланувчи кооперативларга, жамиятларга, уюшмаларга, концернларга ва бошқа бирлашмаларга бирикиши ёки кириши мумкин.

18-модда. **Деҳқон хўжалигининг моддий-техника таъминоти**

1. Деҳқон хўжалиги нормал фаолият кўрсатиши учун давлат ҳамда кооператив корхоналари ва ташкилотларидан, биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда аҳолидан ўзи учун зарур бўлган мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситалари сотиб олишга ҳақлидир.

2. Деҳқон хўжаликлари ўзлари етиштирган маҳсулотларини давлатга (республика фондига) шартнома нархларида сотсалар, давлат буюртмасини бажарсалар қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, ёш моллар ва парранда билан, зооветеринария товарлари, ем-хашак ва ресурслар билан давлат моддий-техника таъминоти тизими орқали давлат корхоналари учун белгиланган шартларда ва нархларда таъминланадилар.

3. Техника ва қурилмаларни ремонт қилиш, уларга хизмат кўрсатиш, қурилиш-монтаж ҳамда ўзга ишлар тегишли давлат, кооператив ва ўзга корхоналар ҳамда ташкилотлар томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ва маиший йўналишдаги объектлар йўқ бўлган ҳудудда деҳқон хўжалиги тузилган тақдирда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари унинг дастлабки қулайликларини таъминлаб берадилар: йўлларни, радио линиялари ва электр узаткичларни қуриш, сув таъминоти, газлаштириш, телефонлар ўрнатиш, ерларни текислаш, ерларни мелиорациялаш марказлаштирилган тартибда ажратиладиган давлат капитал маблағлари ва молия ресурслари ҳисобига амалга оширилади, шунингдек ишлаб чиқариш объектлари ва уй-жойларни тиклашда ёрдам кўрсатилади.

19модда. **Деҳқон хўжалигидан солиқ ундириш**

Деҳқон хўжалигидан солиқ амалдаги қонунларга мувофиқ ер учун ҳақ тариқасида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятидан орттирилган даромаддан тўлов кўринишида ундирилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, деҳқон хўжаликларини солиқ тўлашдан озод этишга ёки солиқ миқдорини камайтиришга ҳақлидирлар.

Деҳқон хўжалигининг даромадлари, хўжалик аъзоларининг ҳамда хўжаликда шартнома асосида ишлаётган шахсларнинг шахсий даромадлари даромадлар тўғрисидаги маълумотнома (декларация)да акс эттирилади.

20-модда. **Деҳқон хўжалигининг молиявий ва кредит муносабатлари**

Деҳқон хўжалигига қарашли ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлар қурилишига узоқ муддатли кредитлар бериш, ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларини сотиб олиш ва хўжаликнинг жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлар бериш — кредит шартномасига мувофиқ амалга оширилади. Давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари деҳқон хўжаликларига тузилган шартномаларга мувофиқ кредитлар беришлари мумкин.

Ерларни мелиорациялашга, йўллар, кўприклар, газ, электр, иссиқлик тармоқларини, сув қувурларини, коммунал йўналишдаги ўзга объектларни қуриш ишларига қаратиладиган бюджет маблағлари ҳам деҳқон хўжалигини пул билан таъминлашнинг манбаи бўлиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги тузилаётган даврда унга ссудалар ва кредитлар берилаётганда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ўзга тўлов қобилиятига эга бўлган юридик ҳамда жисмоний шахслар кафил бўлишлари мумкин.

Деҳқон хўжалиги Ўзбекистон Республикасининг Деҳқончилик-саноат банки томонидан хўжаликларга имтиёзли шартларда хизмат кўрсатиш учун тузилган махсус кредит фондидан фойдаланади.

Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида ўзига қарашли ва ижарага олаётган ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари (кўчатлари)ни, кўп йиллик кўчатларни, тайёрланган маҳсулотни, хом ашёни, материалларни нобуд бўлишдан ёки шикастланишдан суғурталайди ва амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ва шартларда суғурта тўловларини олади.

21-модда. **Деҳқон хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисоб-китоб қилиш**

Деҳқон хўжалиги ўз ишининг натижаларини ҳисоб-китоб қилиб боради ва белгиланган тартибда статистика идораларга ҳисобот тақдим этади.

22-модда. **Деҳқон хўжалигининг жавобгарлиги**

Деҳқон хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича амалдаги қонунларга биноан жазо қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради. Давлат деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, деҳқон хўжалиги эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг ўзга қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишида айбдор бўлган деҳқон хўжалигининг аъзолари белгиланган тартибда маъмурий, моддий ёки жиноий жавобгар бўладилар.

Амалдаги қонунларга мувофиқ деҳқон хўжалиги хўжалик аъзоларига ва меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахсларга етказилган зарар учун, шикастланиш ёки меҳнат вазифаларини адо этишга ҳалақит берадиган саломатлигига ўзгача шикаст етказилганлиги учун жавобгар бўлади.

23-модда. **Деҳқон хўжалигининг мол-мулки ва ерини мерос қолдириш**

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунлари қоидаларига мувофиқ мерос қолдирилади. Хўжаликда фаолиятини давом эттираётган мўросхўрлар мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун давлат пошлинаси тўлашдан озод этиладилар.

Ер майдони Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунида белгиланган қоидаларга мувофиқ мерос қолдирилади.

V БЎЛИМ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУХТАТИЛИШИ

24-модда. **Деҳқон хўжалиги фаолиятининг тўхтатилиш асослари**

Деҳқон хўжалигининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжаликнинг бирорта аъзоси, меросхўр ёки ўзга шахс қолмаган тақдирда;

ер майдонига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

ер майдони берилган муддат тугаган тақдирда;

ердан ўзга мақсадларда фойдаланилганда, ер майдонидан самарасиз фойдаланиб, оқибатда мунтазам кадастр баҳоси меъёридан паст маҳсулот олинган тақдирда;

алмашлаб экиш лойиҳаларини ўзлаштириш тартиби мунтазам бузилган тақдирда;

ер майдони белгиланган тартибда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда;

деҳқон хўжалиги тўлов қобилиятини йўқотган деб эълон қилинганда;

ер солиғи ёки ижара ҳақи белгиланган муддатларда мунтазам тўланмаганда;

башарти, деҳқон хўжалиги рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб бир йил давомида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бошлаб юбормаганда;

деҳқон хўжалигининг фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунлар бир неча бор ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилган тақдирда;

шартнома талабларини бузганлиги сабабли ижара шартномаси бекор қилинганда;

деҳқон хўжалиги қайтадан тузилганда.

25-модда. **Деҳқон хўжалигининг фаолиятини тўхтатиш тартиби**

Деҳқон хўжалиги фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор ноҳия ҳокими томонидан қабул қилинади.

Деҳқон хўжалигининг фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал этилади.

Деҳқон хўжалигидан давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер майдонларини олиб қўйиш — хўжалик ихтиёрига кўра, унга шу ерга тенг ер участкаси ажратилиб, унинг ер майдони кимга берилаётган бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот томонидан янги жойда олиб қўйилаётганларининг ўрнига уй-жой, ишлаб чиқариш ва ўзга иморатлар қуриб берилгач ҳамда етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда тўлангач амалга оширилади.

Ҳокимнинг деҳқон хўжалигидан ер майдонини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти тўхтатилган ҳолда унинг мол-мулки хўжаликда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш учун, бюджетга тўловлар киритиш, банкларнинг ссудаларини қайтариш ҳамда ўзга қарз берганлар билан ҳисобкитоб қилиш учун ишлатилади.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти тўхтатилиши биланоқ хўжалик аъзоларининг эгалигида бўлган турар жой, томорқа, шунингдек ўзга мол-мулк улар ихтиёрида сақланиб қолади.

* * *

Қонун лойиҳаси хусусидаги фикр-мулоҳазаларни қуйидаги манзилгоҳга юборишни сўраймиз: 700008, Тошкент шаҳри. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши. Агросаноат комплекси ва сув хўжалиги қўмитеси.

Телефонлар: 398-062, 398-472, 398-173.

• Бир хат изидан •

БИРИГА ПОЁНДОЗ, БИРИГА... ЭЪТИРОЗ

Демократия, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги каби тушунчалар ҳаётимизга чуқур кириб бораётган бўлишига қарамай «зўр»лар гоҳо яширин, гоҳо очиқчасига ўз ҳукмларини ўтказиб келишаяпти. Турли қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар ҳамон курси эгалари учун хизмат қилаётгани сир эмас. Шундай бўлаётганининг асосий сабаби — кўпчилик мавжуд қонунларни яхши билмайди. Бундан баъзи идоралар-нинг мутасаддилари усталик билан фойдаланаяптилар. Қаерда баҳсли, мунозарали вазият юзага келса, масъул маҳкамалар ва уларнинг раҳбарлари албатта «ҳақ» бўлиб чиқишаётганининг боиси ҳам менимча, ана шунда.

Хизмат юзасидан Ильич районидаги М. Узоқов номли давлат хўжалигига боргандим. Идора ёнида бир йигит пешвоз чиқди:

— Кечирасиз, сиз мухбирмисиз?

— Ҳа.

— Мен сизни кутиб турганди-дим.

— Хизмат?

— Қишлоқ дорихонасида мудир бўлиб ишлайман. Исми шарифим: Ўрозбой Юсупов. Бир масалада Тошкентга, «Халқ сўзи»га бормоқчи эдим. Сизни учратганим жуда яхши бўлди.

Сўнгра икки варақ қоғоз узатди.

Шикоят мазмуни шундай: 38-Совет сайлов мавзесидан бўшаб қолган район совети депутатлигига номзод кўрсатиш учун октябрь ойида бўлиб ўтган йиғилишларда хатоларга йўл қўйилган ва уларга район совети раҳбарияти тегишли баҳо бермаган.

— Ўтган йил 22 октябрда Узоқов номли совхозда Халқ-демократик партияси бошланғич ташкилотининг таъсис конференцияси бўлди. Унда район совети депутатлигига Амир Темур номли ўрта мактаб директори Шерназар Исоқов номзоди кўрсатилди. Аввал «Семурғ» болалар боғчаси ҳамда давлат хўжалиги уй-жой ва коммунал хизмат бўлими жамоаларининг қўшма йиғилишида менинг ҳамда А. Мамараимовнинг номзодларимиз кўрсатилганди, — дейди Ў. Юсупов. — Сайлов 10 ноябрь кунига белгиланганди. Лекин район совети раёсати ўзининг 5 ноябрда бўлиб ўтган мажлисида 16 октябрда тасдиқланган мавзе сайлов комиссиясини қонунга хилоф деб бекор қилди. Сайлов 15 декабрга қолдирилди.

— Сайлов комиссияси нега бекор қилинганини билан қизиқдингизми?

— Ҳа. Аввало комиссия аъзоларини сайлаш учун жамоаларда йиғилиш ўтказилмаган экан. Шунингдек, бизнинг номзодларимиз кўрсатилган қўшма йиғилишда икки киши тавсия этилганди. Бу қонунга зид экан.

— Унда шикоятдан мақсад нима?

— Гап шундаки, ҳали расман рўйхатга олинмаган Халқ-демократик партияси таъсис конференциясида номзод кўрсатиш ҳам қонунга зид. Демак, тартиб ҳар икки йиғилишда ҳам бузилган.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Район советига борганди-м. Хоҳласангиз номзодингизни бошқатдан қўйишингиз мумкин, деб айтишди.

— Сайлов мавзеси мутасаддилари хатога йўл қўйган бўлсалар, айб сизда эмас-ку. Нимадан хижолатдасиз? Номзодингиз қайта қўйилса, ҳалол кўрашарсиз...

— Илтимос, 15 декабрь куни вақт топиб келсангиз. Шу куни сайлов бўлади, ўзингиз бир хулоса чиқарарсиз.

Белгиланган куни соат 12ларда сайлов участкасига бордим. Аммо комиссия аъзоларидан бўлак ҳеч кимни учратмадим. Тугаган бўлса керак, деб ўйлабман.

— Яқинлашиб қолди, — дейди Гулистон қишлоқ совети раисининг муовини, мавзе сайлов комиссиясининг котиби Абдураҳим Норматов. — Якшанба куни эмасми, бозор-ўчар дегандик...

— Нечта сайловчи рўйхатга олинган?

— 200 та. Агар ҳамма тўлиқ овоз бермаса, қонун бўйича кечки саккизгача кутишимиз керак.

— Сайловга оид ҳужжатингизни кўрсак бўладими?

— Марҳамат.

Тартиб билан тикилган ҳужжатларни бир-бир варақлаб, депутатликка номзод тавсия этишга бағишланган йиғилишлар қайдномалари билан танишиб чиқдим.

Биринчиси, яъни 22 октябрдагиси. М. Узоқов номли совхоз идорасида бўлиб ўтган ва унда шахсан район советининг раиси иштирок этган йиғилишда Амир Темур номли мактаб директори Ш. Исоқов номзоди Халқ-демократик партияси бошланғич ташкилоти томонидан кўрсатилган. Қарорда «38-Ўзбекистон» (негадир бу ҳужжатда номи бошқача) сайлов мавзеи комиссиясидан номзодни рўйхатга олиш ҳамда номзоднинг ўзидан розилик сўраш қайд этилган.

Иккинчисида (20 ноябрь) Амир Темур номли ўрта мактаб жамоасининг депутатликка номзод кўрсатишга бағишланган йиғилиши қайдномаси. 71 киши иштирок этган йиғинда Ш. Исоқов номзоди яна кўрсатилган.

— Бошқа номзод йўқми?

— Йўқ, фақат домланинг ўзлари.

— Райондан вакиллар келишмадими?

— Раис муовини Т. Қодиров, котибият бошлиғи Ғ. Алижонов шу ерда эдилар. Тушликка кетишди.

Соат икки-учларда вакиллар келишди. Район совети раиси муовини Т. Қодиров номзод кўрсатишга боғлиқ воқеаларни таъкидлаб Ў. Юсупов масаласига алоҳида тўхталди:

— У менга учрашганди. Йиғилишда йўл қўйилган хатоларни тушунтирдим. Қайта йиғилиш ўтказишингиз мумкин, деб айтдим. Билмадим, хоҳлашмади шекилли...

Хуллас, сайлов муваффақиятли ўтди. Қонунда қайд этилганидек, 200 та сайловчидан 178 таси иштирок этганлиги учун соат 8 гача кутишга тўғри келди. Номзодни ёқлаб 175 та киши овоз берди. 3 та қарши.

Депутат Шерназар Исоқов билан шахсан ҳамсуҳбат бўлмаганман. Шу боисдан аниқ хулоса юритишга ожизман. Аммо сайловолди ишларини ташкил этиш ва уни ўтказишга мутасадди ўртоқларга, хусусан район совети раёсати ҳамда унинг аъзоларига эътирозларим бор.

Аввало, дастлаб ўтказилган ҳар икки йиғилишда ҳам қонун бузилгани рост. Иккинчидан, мавзе сайлов комиссиясини тузиш, сайловолди тадбирлари билан на қишлоқ, на район совети жиддий шуғулланган. Акс ҳолда бундай қўпол хаталарга йўл қўйилмаган бўларди.

Район совети раёсатининг 1991 йил 5 ноябрда «Халқ депутатлари Ильич район советига қўшимча сайлов ўтказиш бўйича 38-сайлов мавзесида йўл қўйилган камчиликлар ҳақидаги» масалани кўриб чиқиб, 16 октябрь куни ўзи тасдиқлаган қарорни бекор қилган. Айни ўша (16 октябрь) куни раёсат 19-Комсомол сайлов мавзеи (Пахтаобод посёлкаси) рўйхатини ҳам тасдиқлаган. Бироқ комиссия аъзолари қонунда белгиланганидек 7, 13 киши ўрнига фақат 5 кишидан иборат. Бу — маҳаллий советларга сайлов ўтказиш бўйича қонуннинг 22-моддасига зид. Демак, Пахтабод посёлкасидаги сайловга ҳам юзаки қаралган. У қандай ўтганидан қатъий назар қонунга хилоф дейишга асосимиз бор (албатта, бунда кўп сонли сайловчилар ва номзоднинг сира айблари йўқ).

Яна бир жумбоқ ҳам борки, уни айтмасак, масаланинг моҳияти етарли очилмай қолади. Раёсатнинг 38-сайлов мавзесида йўл қўйилган камчиликларни кўриб чиққан мажлисида 22 октябрь куни номзод кўрсатишга бағишланган конференция қарорини бекор қилиш ҳақида бирорта жумла йўқ. Ахир бу ерда ҳам қонун бузилган-ку. Юқорида қайд этилган қонуннинг 23-моддасига биноан мавзе сайлов комиссияси номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар учун тўлиқ жавоб бериши керак.

Лекин шахсан район советининг раиси иштирок этган йиғилишни ким ҳам муҳокама қила оларди, дейсиз! Шу боис қозон ёпиқлигича қолаверган. Мактаб жамоаси гўё ҳеч нарса бўлмагандек йиғинда ўз раҳбарини номзод этиб кўрсатган.

Хўш, дорихона мудири нима қилсин? Бу кичкинагина корхонада нари борса 3 — 4 одам ишлаши мумкин. Янгидан сайланган мавзе сайлов комиссияси аъзолари эса иккинчи номзод тақдири ҳақида ўйлаб ҳам кўришмагани табиий.

— Нега номзодингизни қайта қўйдирмадингиз? — сўрадим Ў. Юсуповдан.

— Қизиқмисиз, қишлоқ шароитида раҳбар, айниқса биринчи раҳбар раъйига қарши боришга ким ҳам ботинарди. Номзодимни кўрсатиш учун эса бирорта ташкилот ёки корхона раҳбари бош-қош бўлмаса иш чиқмайди.

Нима ҳам дердик. Унинг гапида жон бор. Хоҳлаймизми, йўқми, маҳаллий шароит шуни тақозо этади. Воқеаларни таҳлил қиларканман, ҳамкасб дўстимнинг бир гапи ёдимга тушди: снёсат юқорида белгиланганн билан қўйида амалга оширилади. Кейинги йилларда республикамиз Президенти бир қанча ажойиб фармонлар чиқарди. Олий Кенгаш, Вазирлар маҳкамасида қабул этилаётган қонунлар, қарорлар, фармойишлар ҳам меҳнаткаш халқ фаровонлиги, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашга йўналтирилган. Афсуски, уларнинг аксарияти пойтахтдан жойларга, айниқса чекка қишлоқларга етиб келгунча изсиз йўқолиб кетаяпти.

Бевосита қўйида, яъни нари борса район миқёсида ҳал бўладиган юмуш учун одамлар пойтахтдаги идораларга, матбуотга мурожаат этишга мажбур бўлишаяпти. Дорихона мудири билан боғлиқ хатони тузатишга ҳам бевосита район советининг ўзи бош қўшганида олам гулистон эди.

— Йўқ. Улар фақат ўзларига маъқул номзодларнигина қўллашади, — дейди Ўрозбой. — Биргина мисол. Ўтган йилги сайловда Волков номли совхоз директори Абдураҳмат Мубораков район совети депутатлигига етарли овоз ололмади. Аммо имконият туғилди дегунча унинг номзоди қайта қўйилди ва кейинги сафар «эсон-омон» ўтиб олди.

Мен бу ғалати «сайлов»ни (54-модда қўпол равишда бузилган), тўғриси «сайлов»ни қоғозга туширмоқчи эмасдим. Бундай ноҳақликка биргина мен гувоҳ бўлсаму бошқа жойларда такрорланмаслигига ишонсам, ёзмасдим. Аммо бу иллат ҳануз болалаётгани боис бошқа йўл тутолмаслигимни англаб етдим. Зора кимгадир сабоқ бўлса, ноҳақликларга, ноқонунийликларга чек қўйилса, деган мақсадда сиз — муштарийлар эътиборига мана шу мақолани ҳавола этишни лозим топдим.

Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

✦ БУНДАН беш йил муқаддам Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ўқув-техника устахонаси ташкил этилган эди. Ўтган муддат мобайнида ана шу даргоҳда қарийб 400 нафар йигит-қиз чилангар, токарь, фрезерчи каби касбларни эгаллашди. Айни пайтда Октябрь районидаги 2-мактабларароўқув-ишлаб чиқариш комбинатида устахонанинг филиали ишлаб турибди. Бу ерда юқори синфларнинг ўқувчилари ҳунар ўрганмоқдалар.

СУРАТДА: XI синф ўқувчилари амалий машғулот пайтида.

Р. ШАМСУТДИНОВ олган сурат. (ЎЗАХБОР).

• Деҳқон баҳори бошланди •

ТАНИШИНГ: «БИСОЛ-2»

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу шуҳрат, албатта, кўп миллионли пахтакорларнинг матонатли ва машаққатли меҳнатлари эвазига қўлга киритилмоқда. Лекин ҳосилдорлик жиҳатидан жаҳон пахтачилигида эришилган даражадан ҳали анча орқадамиз. Бунинг кўплаб сабабларидан бири ғўзаларимизнинг касалликларга берилувчанлиги ва биологик жиҳатдан чидамсизлигидир.

Маълумки, ўсимликнинг ана шу хусусиятларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган айрим кимёвий моддалар атроф-муҳит тозалиги ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Шу мақсадлар учун собиқ иттифоқ даврида четдан валютага сотиб олинадиган моддаларнинг тўхтатилганлиги ҳам пахтакорлар юмушларига салбий таъсирини ўтказмоқда, ғўзанинг илдиз чириш касаллиги авж олишига, кўчат сонларининг бутлигига путур етказиб ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлаяпти.

Жамоамиз аҳли бундай ташвишли ҳолатга бефарқ қараб туролмайди, албатта. «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси профессори М. Х. Авазхўжаев раҳбарлигида ғўзани вилт ва бошқа касалликлардан ҳимоя қилишнинг янги усулларини яратиш устида кўп йиллик изланишлари ўлароқ кимёгарлар билан ҳамкорликда янги модда — иммуностимулятор «Бисол-2» яратилди.

У ғўзанинг вилт, гоммоз, илдиз чириш касалликларини ниҳоятда камайтириб, шўр ерларга бўлган чидамлилигини оширади. Янги моддани касалликларга қарши таъсир кўрсатиши шундан иборатки, ўсимлик организмининг ички имкониятларини ишга солади ва «фитоалексин» деган янги бирикма пайдо бўлишига туртки беради. Фитоалексин грекча сўзлардан келиб чиққан бўлиб, «фито» — ўсимлик, «алексо» — ҳужумни қайтармоқ, деган маънони англатади. «Бисол-2» моддаси ўз таркиби бўйича ҳозирги қўлланилаётган фунгицидлардан тубдан фарқ қилади. Бу модда Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан текширилиб, зарарсиз эканлиги аниқланди. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто ипак қурти озуқасида ҳам ишлатилса бўлади. Бу модданинг эритмаси билан ивитилиб экилган чигитнинг тўла униб чиқиши 2—3 кун тезлашади, бир текис ривожланади. Тожикистонда олиб борилган синовлар натижаси шуни кўрсатдики, «Бисол-2» моддаси ўзининг ўтмишдоши фентиурамга нисбатан гоммоз, илдиз чириш касаллигини 2—3 баробар пасайтирган, вилт эса 20—30 фоиз камайганлиги аниқланган. Шунга ўхшаш натижалар Тожикистонда эмас, балки Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикаларида ҳам олинган. Айрим жойларда касалликлар кескин камайиб, гоммоз ва илдиз чириши умуман йўқ бўлиб кетган, ҳосилдорлик эса 3—4 центнер ошган.

Бу модда баҳорги об-ҳаво ноқулай келган пайтда деҳқонларимизнинг мушкулини енгиллаштиришга ёрдам бериши шубҳасиз. Бунинг учун чигит ивитиб экилгандан сўнг, ғўзани парваришлаш даврида яна бир маротаба «Бисол-2» эритмаси пуркалса, ўсиш ва ривожланиш тезлашади, кўсаклар 10—12 кун эрта етилади, ҳосилдорлик 4—5 фоиз ошади. Бундай тажрибалар Тошкент, Хоразм, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё вилоятларида муваффақиятли синовдан ўтиб, самарали натижалар бермоқда. Масалан, Боғот районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги, Риштон районидаги Навоий номли, Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» давлат хўжаликларида мўл ҳосил олиниб режалар вилоятда биринчилар қаторида бажарилмоқда. Бу модда фақат пахтачиликда эмас, балки бошқа қишлоқ хўжалик экинларида ҳам самарали натижалар берищи синовда тасдиқланди. Беда, маккажўхори, сабзавот ва оралиқ экинлар ҳосилдорлиги ошди. Масалан, беданинг ҳар ўрими салмоғи 30—40 центнер кўпайиб, ўрим муддати 6—8 кунга қисқарди.

Хулоса қилиб айтганда, «Бисол-2» моддаси нисбатан арзон, безарар бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларининг касалликларга чидамлилигини оширади, уларни тез етиштириб, ҳосилдорлигини кўпайтиради. Ўзбекистон фанлар академияси «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари уни пахтачиликка кенг жорий қилишга киришмоқда. Бу эса деҳқонларимизнинг мушкулини осонлаштиради, деган умиддамиз.

А. МУТАЛОВ,
Ўзбекистон фанлар академияси «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

А. ЗОКИРОВ,
катта илмий ходим, биология фанлари номзоди.

Э. НОРҚУЛОВ,
тажриба хўжалиги раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ЗАРДАЛИ ХАТ

ҚАЧОНГАЧА?

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН мустақил давлат деб эълон қилинганига анча бўлди. Ундан олдинроқ ўзбек тилига давлат мақоми берилган эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири ҳам бундан хабардор бўлса керак. Лекин нима учундир вазирлик тасарруфида бўлган «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ойномаси ҳамон ўрус тилида тайёрланади.

Ойнома таҳририятида учта ўрус бўлими бор. Бош муҳаррир ҳам, масъул котиб ҳам ўрус тилида иш олиб борадилар. Ўзбек тилида битта ҳам бўлим йўқ. Кўриниб турибдики, мақолалар ўрус тилида тайёрланади. Таржима бўлимида ўзбекчалаштирилади. Муаллифлар мақолаларни ўрусча ёзишга мажбур бўлаяптилар. Ўзбекча тайёрланган мақолалар босилмай ётаверади.

Қишлоқ хўжалигида ишлайдиган кўпчилик мутахассислар ўрусча ёзолмайдилар. Шунинг учун улар ўз тажрибаси ҳақида фикр билдиришдан маҳрумдирлар.

Ойнома ўзбек тилида ўн минг нусхадан ортиқ босилади. Ўрус тилидагисига атиги 850 обуначи бор. Ойнома ким учун чиқарилмоқда ўзи? Қайси ўзбек деҳқони ойномани ўрус тилида ўқийди? Шу мантиққа асосан фикр қилиб кўрсак, ойноманинг ўрусча нашр этилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Жумҳурият матбуоти («Халқ сўзи», «Туркистон» рўзномалари) ушбу муаммони бир неча марта кўтариб чиққанига қарамай, масала ҳамон ижобий ҳал қилинмаяпти. Ойномани ўрус тилида тайёрлаш давом этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари номи ва мазмунини ҳам ўйлаб кўриш зарур. Ойномадаги аҳвол бундай давом этиши, юмшоқ қилиб айтганда, ўзбек деҳқонига ҳам, ўзбек тилига ҳам ҳурматсизлик, ҳақорат ва хўрлашдир.

Маъруф ЖАЛИЛ,
шоир.

БИРЛАШМА МАРҲАМАТИ

ҒАЛЛАОРОЛдаги «Дон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти бозор иқтисодиётининг талаблари ҳисобга олиб, ўз жамоаси аъзолари маошига қўшимча 51 минг сўм пул тарқатди. Бирлашма бошлиғи Қурбон Эшмирзаевнинг таъкидлашича, улар 16-ўрта мактаб ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашаяпти. Бу тадбир учун 12 минг сўм сарфланмоқда Аълочи ўқувчиларга стипендиялар жорий қилинган.

П. ТОЖИБОЕВ.

ТУЗАТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида» рўзномасининг 29 февраль сонида эълон қилинган фармонининг «Навоий вилоятида» деган қисмидаги 2-абзац қуйидаги янги таҳririда ўқилсин:

«Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати технология институти бўлимининг негизида Тошкент давлат техника дорилфунунининг кон-металлургия ва энергетика йўналишидаги Навоий бўлими».

«БУ—СОФДИЛ ОДАМНИНГ ГАПИ ЭМАС»

Б. МИРЕНСКИЙНИНГ МАҚОЛАСИГА ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРГАН МУШТАРИЙЛАР ШУ ФИКРНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

«Халқ ва демократия» ойномасининг шу йил 2-сонида босилган «Инсон ҳуқуқларининг «ҳимоячилари» нима учун жонбозлик, қилмоқдалар?» деб номланган мақолани ўқиб беparво бўлиш мумкин эмас. (У «Халқ сўзи» газетасининг шу йилги 36-сонида кўчириб босилган). Шунчалик таъсирландимки, муаллиф билан хаёлан муросасиз баҳсга киришдим.

Ҳурматли Миренский, айтинг-чи, сиз қайси давлатда яшаяпсиз? Агар Ўзбекистонда яшаётган бўлсангиз, қалбингизда ўзбекларга, уларнинг тили, урф-одатига хайрихоҳлик туйғуси борми? Мақолангизнинг бошидан охиригача ҳар қанча фалсафий мушоҳадаларга ўраманг, ўзбекларга чуқур нафрат сезилиб турибди. Сизга бир маслаҳатим бор: бундан кейин рус қартасини ўйнаманг, бунга икки тамонлама эҳтиёж йўқ. У жуда хавфли ўйин, катта жавобгарликни бўйнингизга олманг. Қани айтинг-чи, қайси ўзбек қайси руса «тилингни унут, рус мактабида ўқима», деди? Давлат тилига келганда эса кўнгилсизлигиз керак. Ахир дунёнинг бирон ерида бошқа ўзбек давлати йўк-ку? Ва бу тил қайсидир мамлакатда давлат миқёсида яшаши қонуний.

Буюк Турон ҳақида куюниб ёзибсиз. Хоҳлайсизми, йўқми — бу жуғрофий ном ўз тарихий мавқеига кўра тилга олинаверади. Фирдавсий замонидан бошлаб Турон деб аталиб келган ерлар Туркистон дея алмаштирилган. Нега бу сўз сизни чўчитади? Туркистонга ўзбеклар даъвогарлик қилаяптилар, деб қардошларни нега гижгижлайсиз? Фақат ўзбеклар эмас, қирғиз, қозоқ, тожик, туркман ҳам ўз заминини Туркистон деб аташга ҳаққи бор. Ягона Туркистон давлатига келсак, бу шу ерда яшаётган халқларнинг хоҳишига боғлиқ. Агар хоҳлашса, бирлашишлари мумкин. Шунда сиз шу ернинг фуқароси сифатида қарши овоз берарсиз.

Ислом дини ҳақидаги мулоҳазаларингизни ўқиб, ўйланиб қолдим: ўзи сиз қайси динга мансубсиз? Агар даҳрий (кофир) бўлсангиз, унда сизга гапим йўқ, чунки улар аввал миллий низоларни кучайтирадилар, сўнгра эса ҳомий бўлиб майдонга чиқадилар. Биласизми, мени — мусулмон кишисини ҳақиқий тақводор, худодан қўрқувчи насроний (христиан) чўчитмайди, балки имонсиз даҳрийлардан қўрқаман.

«Амал курси»ларига келсак, чиданг энди, жаноб, ўз давлатимизда ўзимиз иш бошқарамиз. Давлат тилини ўрганинг, марҳамат, агар халқ хоҳласа, сизни ўзига бошлиқ қилиб сайлаб олади. Агар Исроилга кўчиб борсангиз, у ерда рус тилини ишлатаман, деб кўринг-чи, кавишингизни дарров тўғрилаб қўйишади. Ҳатто Америкада ҳам шундай қилишади.

Айтинг-чи, сиз нега ўзбекларни тожик биродарларимизга қайрамоқчи бўлаяпсиз? Бу икки халқнинг аралаш яшаётганини билса туриб «бир-бирингга ер даъво қил» деяпсиз? Биз аҳмоқ бўлганимиз йўқ, минг йиллардан буён бирга яшаб келдикми, худо хоҳласа, бундан буён ҳам елкама-елка яшайверамиз.

Ҳурматли жаноб Аронович, менга сиз ўйлаганчалик социализм керак эмас, чуқур маънодаги демократик давлат керак. Русийзабонларнинг кўчиши ҳақидаги сафсаталар, ростини айтсам, жонга тегди. Негаки, қаерда яшаш ва ишлаш ўша одамнинг ҳуқуқи-ку, нега бунн тушунмайсиз?! Агар «ўзбек тилини ўрганишни хоҳламаётганлигим ёки ўзбек тили давлат тили бўлганлиги сababли кўчиб кетаяпман» дегувчилар бўлса, бу уларнинг гумроҳлиги ёки миллатчилигидан бошқа нарса эмас.

Охирги гапим шуки, кишининг имкони етса, ўнта тилни ўргансин. Аммо она тили — Она ёки алла тилидир, буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Русийзабонлар давлат тилини ўрганишлари керак, бу мустақил Ўзбекистонда уларга асқотади.

М. АҲМАДЖОНОВ,
иқтисодчи.
Қўқон шаҳри.

Мустақил Ўзбекистоннинг камолини кўролмаётганлар нуқул сувни лойқалантирмоқдалар. Жумладан, Миренский ўз мақоласи билан ахлатхонани кавлаб, миллатлараро низолар чиқаришга «ҳисса»сини қўшибди. У айтгандек, амал курсисида ўтирган ўрисзабонлилар ўзбек тилини ўрганишмаса, ҳаёт тўхтаб қолармиқан? Кетаётганларнинг кўплари эса жаноб Миренскийнинг миллатига мансуб бўлиб, уй-жой, туз-нон берган Ўзбекистон улар учун ҳеч қачон ватан бўлмайди ва бўлган эмас. Русия ҳам улар учун ватан эмас.

Икромҳожи НЕЪМАТОВ.
Тошкент шаҳри.

Энг аввало, мен мақола муаллифининг бугунги кунда юзага келган реалликларни тан олмасдан, мустақил Ўзбекистон давлати бор эканлигини «унутиб», шу кунларимизда ҳам собиқ СССР кўламида миллатлараро масалалар ҳақида фикр юритишига, «СССР мавжудлигида рус тили умумдавлат тили бўлиб олганда эди, бизга бу хўрликлар йўқ эди» деб жазавага тушишига эътибор берилишини истардим. Мақолада бизнинг халққа, унинг фарзандларига нисбатан беписандлик очиқдан-очиқ сезилиб турибди. (Гўё «ўзбеклар ўзи ким эди-ю, уларнинг бу икки олими ва прокурорлари ким?» деяётгандек). Бу мақолани мен халқ тили билан айтганда «мўлтонилик қилиш» деб баҳолаган бўлардим, чунки мўлтони ҳам ҳеч қандай тўғри чора-тадбир топа олмаса, ҳамма ёқни бошига кўтариб додлайди ва ишни ўз фойдасига ҳал этади. Б. Миренский русийзабон аҳоли деганда кимларни назарда тутмоқда? Агар рус, украин, белоруслларни бўлса, нега ўзини — яҳудийларни уларнинг сафига қўшади? Тарихдан маълумки, яҳудийлар қайси давлатда яшашса, ўша давлат тилида гаплашадилар ва ўзларини ўша юртнинг фуқароси деб атайдилар.

Унинг даъвосича, русийзабон аҳоли Ўзбекистондан чиқиб кетмоқда. 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси»га кўра инсон туғилган вақтдан бошлаб эркин ва у қаерда яшашни истаса, ўша ерда яшаши мумкин. Яшаш жойидан қатъий назар у ўз она тилида ўқиш, ёзиш, гаплашиш ҳуқуқига эга. Бунн ҳеч ким рад этолмайди. Аммо бу деганн бирон миллат вакили ўзи яшаб турган давлат тилини билмай, расмий давлат идораларида ишлашга ҳақли деганн эмас. Идораларда давлат тилини билувчиларгина ишлайдилар. Қани, фан доктори, подполковник Миренскийдан сўрайлик-чи, Мексикада яшовчи рус ёки яҳудийлардан терговчи ёҳуд прокурор чиқса у қайси тилда иш юритар экан? Жавоби битта бўлади: рус ё иврид тилида эмас, фақат испан тилида! Рус подшолари хизматида бўлган Клейнмихел, Витт, Бирон, Барклай-де Толли ва бошқалар русча ўқиб-ёзганликлари учун ҳам давлат идораларида хизмат қилганлар.

Олмон қизи бўлган император Екатерина II ҳали русчадан саводи етарли бўлмаган чоғларда ҳам барча давлат қоғозларини рус тилида ёзишни таъминлаган экан. Миренский, «Кавказ асираси» кинокомедиясидаги персонаж айтгандек, ўз жуни билан давлат жунини аралаштириб юборган. Ҳолбуки, унинг аҳлий қобилияти Ўзбекистоннинг узоқ тоғли туманидан ҳарбийга чақирилган болачалик эмасми? У икки йилда рус тилини бинойидек ўрганиб қайтади. Сиз эса, жаноб Миренский, ўрганишни истамайсиз, сизга бу тил шу қиёмгача зарур эмас эди. Энди ҳам зарур бўлмайди деб пинҳона умид қиласиз. Сиз ҳуқуқлар тўғрисида сафсата сотиб, давлат хизматчиси сифатида мустақил давлат олдида тил ўрганишдек мажбуриятингиз борлигини, яқинда бу мажбурият конституциявий асосга эга бўлиб қолишини эсдан чиқараяпсиз, холос. Шу ўринда минглаб юртдошларимиз яқин ўтмишда рус тилини билмаганликлари сабаблн не-не амал курсиларини эгаллай олмаганликларини эслаб ачиниб кетаман. Ташкилотчи, ишбилармон, иқтидорли кишилар тил билмаганликлари учун пастроқ лавозимларда ишлашга мажбур бўлдилар.

Яна бир нарсани айтишни жуда-жуда истардим: Ҳиндистон ёки Конго мустақилликкa эришган йилларда бу давлатлар аҳолисининг неча фоизи инглизар ёки бельгияликлар бўлганини билмайман, аммо шўро мустамлакачилари ҳеч нарсада меъёр нималигини билмаганлар, бу меъёр бузилган ва ҳамон бузуқлигича қолмоқда.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
ҳуқуқшунос.
Тошкент шаҳри.

• *Хотира*

ҚАНОАТНИ МУҚАДДАС БИЛИБ

Ҳамма нарсанинг интиҳоси бахайр келсин экан. Мана шунга буюрмадими, демак қайси ишда бўлмасин, унга қўли текканларнинг умри азизи сабил кетаркан. Коммунизм яқин, дея каттаю кичикнинг гарданига машаққат ортган марҳум жамиятнинг кирдикорлари бунга аччиқ кафил. Бинобарин, неча ўн йиллар замину замона юкини елкалаган асл зотларимизнинг кемтик кечган умрлари энди барчамиз учун армон занжирларини чўзмоқда. Ҳукму хулоса неча-неча фозилу комилларимизнинг қадами фақат хизмат, меҳнат ва ибрат йўлида босилган бўлса-да, уларнинг қадр-қиммати ўз мавридида муносиб тарзда бошга кўтарилмаганида.

Муҳаммаджон Умаров бугун омон бўлганда роппа-роса етмишга етарди. Афсус, насиб этмаган экан. Унинг кўпдан кўп ва хўбдан хўп орзу-умидлари бундан йигирма икки йил муқаддам Ғаллаорол тоғларидаги тайёра фожиасида армонга юз бурганди. Начора, тақдирнинг ҳукми экан.

Гап ҳозир тайёра фожиаси таҳлилида эмас. Таассуф, Муҳаммаджон ака сингари ўнлаб, юзлаб, минглаб имони бут кетган аслларнинг нобол замона зайлига басма-бас одамийлик ва инсоф-диёнат қўнғироғини чалиб ўтганлар фожиаси ҳақида. Бу фикру андиша кўпларга малол келар, эҳтимол. Чунки Муҳаммаджон ака умрининг асосий қисми партия, совет идоралари хизматида, раҳбарлик лавозимларида кечди. Буни айримлар, оёғи узангидан тушмади, деб ҳам изоҳлашлари табиий. Ҳолбуки...

Муҳаммаджон аканинг таржимаи ҳоли кўплаб замондошларининг қатори бир варақ қоғозга жой бўлади. У йигирма икки ёшга етар-етмас Улуғ Ватан уруши билан юзма-юз келди. Элнинг бошига ёққан қор, дея жангга кирди. Ўқчи полкда рота командири сифатида душманга қарши курашди. Миллионлаб жангчилар қатори халқнинг, ватаннинг эртанги озод ва ширин ташвиши қайғусида жонини тикди. Ризқу насибаси тортган экан, жангу жадал майдонларидан омонлик соҳилига етди. «Қизил Юлдуз» ордени эртанинг умидида уруш майдонида қилган хизматларига берилган баҳо бўлди.

Урушдан сўнг халқ депутатлари Иштихон район кенгаши ижроия комитетида масъул котиб, Самарқанддаги жамоа хўжаликлари кадрлари тайёрлаш мактабида директор бўлди. Узоқ йиллар вилоят, шаҳар партия комитетлари мафкура ва ташвиқот бўлимларини бошқарди. Вилоят кенгаши ижроия комитети раисининг ўринбосари, халқ маорифи бўлими ҳамда маданият бошқармасини бошқарди. Вилоят халқ назорати комитетига раҳбарлик қилди. Ва, ниҳоят, шу лавозимда хизмат вазифасини бажара туриб фожиали ҳалок бўлди.

Эндиги гап у киши хизматлари туфайли «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланганида эмас, муҳими, хизматнинг ҳалол, беғараз ва беманфаат кўприкларидан ўтганида. Айтишадики, Муҳаммаджон ака қайси вазифада, «узангили» лавозимда ишламасин, аввало дилини, сўнг қўлини ва ниҳоят, умр қадамини пок тутарди. Худонинг ўзи ризқу насибани ўлчаб берганми, нопок ҳақ буюрмайди, илло нафсни тўғиб, қаноатни пеша қилиб яшагандан бошқаси бекор, дерди. Бу — бир томони. Иккинчидан, бу инсон хоҳ «жигар», хоҳ «дигар» бўлсин, ҳар бир киши билан муомала-муносабатда тенгу комил эди. Маҳалладошими, хизматдошими — ҳаммага ғамхўр, дардкаш, маслаҳатгўй бўлар, лозими келса мададдош чиқарди.

— Мен Муҳаммаджонни яхши биламан, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Аҳрор Нарзиқулов. — У камтарликда беназир, суҳбати ширин, жону жигар эди. Ўзини диққатбозликдан йироқ тутар, ҳамиша юзидан кулги томарди. Атрофдагиларга ҳам тундлик кўришни ёқтирмасди. Маҳалласидаги бирор тўй-маъракага унинг иштирокисиз ўтмасди. Бир сўз билан айтганда, ширин ташвишларнинг мададдкори, аччиқ ташвишларнинг тобуткаши эди.

Аҳрор ака дўстини, ҳалол биродар эди, дея ҳам миннатдор хотиралади. Бир қараганда ҳаммаси фозиллик ва кемтиксиздай. Лекин Муҳаммаджон ака ўз ҳаётидан, ишидан ташвишланмаса-да, элнинг меҳнат қилиб косаси оқармаётганидан нолиши устун бўлган. Албатта, бу нолиш пинҳона кечган. Оғалар ва уларнинг маҳаллий доманбардорларидан чўчиб, овозини кўтармай айтган. Начора, замон шундай бўлган. Муҳаммаджон акани яхши билган, ғойибдан таниганлар кўпинча бир гапни такрорлашади: шундай дардкаш ва дилкаш, ҳалол ва меҳнаткаш инсоннинг қадрига вақтида, тириклик чоғида етмаган эканмиз.

Дарҳақиқат, даври бўлдики, биз иззат-нафсимиз қаттиқ оғришига қарамай, ғофиллигимизни ҳатто фазилат қадар баланд кўтардик. Бу нарса бор ҳақиқатдан кўз юмдирди, ғариб турмуш зайлидан очиқ нолишга изн бермади. Оқибатда жамият кўзларидан нур порлаш ўрнига ҳиёнат сачради. Чархнинг бундай зарблари кўнгилларидан пок ниятларни сидирди. Имонини халқига тикканларнинг гардсиз умиду тилакларини масхара-эрмак қилди. Муҳаммаджон ака ҳам ана шу жиҳатдан кўнгли кемтик кетганлардан бўлди. «Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғилгонсен» гапини айтар замон армонида ўтди.

Бугун Муҳаммаджон Умаровнинг хеш-ақраболари, дўсту биродарлари Самарқанд шаҳрида унинг номи билан аталмиш кўчадан оҳиста қадамлар билан юришади. Уйи дарвозасидаги мармар лавҳа олдида сукутда бўладилар. Бир пиёла чой устида омон бўлганида етмишга етиши ҳақида хотира суҳбати қурадилар. Ҳаёти ибрат ўтган мукаррам инсон руҳини шод этадилар. Бинобарин, дину диёнатга қайтганимиз, имону эътиқодни қадрлашга ўтаётганимиз, асллар ҳоки туробини обод этишга жазм қилаётганимиз рост келсин.

Холмуҳаммад НУР,

• *БМТнинг илк эътибори*

ГАП ЭМАС, АМАЛ КЕРАК

БМТнинг ЮНИСЕФ шўъбаси ҳамда халқ-аҳоли жамғармаси ходимлари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистонга ташриф буюришиб, бир ҳафта давомида ижтимоий-иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи идораларнинг вакиллари, қишлоқ аҳолиси, кўп болали оилалар ва бевосита беморлар билан суҳбатлашдилар, уларнинг турмуш шароитлари билан танишдилар. Улар беш гуруҳга бўлинишиб, саломатлик, таълим, экология, ижтимоий-иқтисодий, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларини ўргандилар.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганган гуруҳ аъзолари жумҳурият болалар жамғармаси биносида тўпланишиб, бир ҳафталик кузатув якунларини таҳлил этдилар, умумлаштирдилар ва ўндан зиёд банддан иборат тавсиялар тайёрладилар. Бу йиғилишда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қизил яримой жамияти, Хотин-қизлар кенгаши вакиллари иштирок этдилар. Йиғилиш аввалида БМТнинг ЮНИСЕФ шўъбаси ва халқ-аҳоли жамғармаси вакиллари ўз кўзлари билан кўрган ҳақиқий аҳволни қисқача изоҳлаб, баҳо бердилар, хулосаларини айтдилар.

Минтақа жумҳуриятларида оилаларнинг мустаҳкамлиги, оилавий анъаналарнинг ўзига хослиги, аёлларнинг ёппа саводхонлиги ва, умуман ўрта таълим тизимининг кенг йўлга қўйилганлиги, олий илмгоҳларга кириш имкониятлари (пулсиз эканлиги назарда тутилса керак), мансабдор аёлларнинг кўплиги, оналар ва болалар ҳимоясига оид мукаммал қонунлар меҳмонларга маъқул бўлган.

— Қайта қуриш муносабати билан сизларда юз берётган янгиланиш жараёни ўзига хос жиҳатларга эга, — деди БМТ вакилларидан бири. — Ҳеч бир мамлакат бундай тажрибани бошидан кечирмаган.

Уларнинг фикрича, минтақада қизларни эрта турмушга бериш, кетма-кет туғавериш, болани эрта сутдан чиқариш, 25 ёшга етмай 4—5 болали бўлиш, айниқса ўзбек аёлларининг хомилани олдириб ташлаш (аборт)га ўрганиши ва бу тиббий усулнинг бу ерда яхши мукаммаллашмагани оналар ва болалар саломатлигига акс таъсир этаётган экан. Бу мушоҳадаларнинг айримларига қўшилиш мумкин, албатта. Шунингдек, БМТлик меҳмонларнинг таъкидлашича, улар суҳбатлашган аёлларнинг кўпчилиги ўз ҳуқуқлари камситилаётгани, уларга нисбатан иккинчи даражали инсонлар сифатида муносабатда бўлинаётгани, шу иллатлар таъсирида аёллик хислатию иффатларини йўқотиб бераётганлари хусусида изтироб билан гапирганлар. Ҳақиқатан ҳам бу жумҳурият ҳукумати жиддий эътибор бериши, вазиятни тезроқ ўнглаш юзасидан амалий чоралар қўриши лозим бўлган масаладир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бешта гуруҳ аъзолари ўз кузатувлари натижалари асосида баён этган мулоҳаза ва таклифлар асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун умумий тавсиялар тайёрланди. У БМТда кўриб чиқарилганидан сўнг Ўрта Осиё минтақаси жумҳуриятларига қандай ижтимоий-иқтисодий ёрдам зарурлиги аниқланади. Демак, Ўзбекистон ҳам бу ёрдамдан бенасиб қолмайди. Бироқ ҳамма гап шундаки, БМТнинг ҳадяси тўғри ва расамади билан тарқатилсин, токи ўртада «оллочига ёрчи»лар чиқиб қолмасин. Бундан буёнга тўғри йўл эса, ҳадеб четдан мурувват кутавермай, мустақил давлат сифатида ўзимизни ўзимиз эплайдиган бўлишимиздир.

А. ЙЎЛДОШЕВ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

ЭРКПАРВАРЛАР ЙИҒИНИ

ЯҚИНДА Зафаробод даҳасида «Эрк» демократик партияси Октябрь район ташкилотининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда «Эрк» партияси район ташкилоти зиммасидаги вазифалар муҳокамаси билан бир қаторда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Кўпчилик овоз билан «Эрк» демократик партияси ташкилий гуруҳининг раиси Ж. Ғиёсов котиб, О. Болиев ва Ш. Қўлдошев котиб ўринбосарлари этиб сайландилар.

Х. НОДИРОВ,
Жиззах вилояти.

КЎРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАБО!

«ХАЛҚ СЎЗИ» рўзномаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият илмий услубият маркази билан ҳамкорликда

14—15 МАРТ КУНЛАРИ

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ДАВЛАТ ТЕАТРИ БИНОСИДА

«НАВРУЗ» байрамига бағишланган

«БОДОМ ГУЛИ»

қўшиқ ва рақс ижрочиларининг республика кўрик-танловини ўтказади Кўрик-танлов 14—15 март кунлари соат 10.00 да бошланади.

15 МАРТ КУНИ

Кўрик-танлов ғолибларининг якунловчи концерти бўлади. Концерт Муқимий номли театрда соат 19.00 да бошланади.

Томошаларга МАРҲАМАТ, ҚУШИҚ ВА РАҚС ШАЙДОЛАРИ!

КЎРИК-ТАНЛОВ ҲОМИЙЛАРИ ВА МУКОФОТЛАРНИ ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

ТОШКЕНТ ЧИННИ ЗАВОДИ
«ШАРҚ ГУЛИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ОЛТИАРИҚ РАЙОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ

ИСТЕЪДОДЛАРНИ КУТАМИЗ!

«БОДОМ ГУЛИ» қўшиқ ва рақс ижрочиларининг республика кўрик-танлови ташкилий комитети аъзоси, Ўзбекистон Маданият вазирлиги маданий-маърифий муассасалар бошқармаси бошлиғи Рустам Хўжаев кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар хусусида қуйидагиларни таъкидлади:

— Кўрик-танлов ҳақида эълон чоп этилиши биланоқ вилоятлардан тинимсиз қўнғироқлар бўлаяпти. Маданият бошқармаларидаги мутасадди ўртоқлар кўрик билан боғлиқ ташкилий тадбирлар ҳақида сўрамоқдалар. Бундан жуда ҳурсандмиз. Чунки, кўрик-танловга бўлган бу қадар жўшқин қизиқиш бизни янада масъулият билан ишлашга ундамоқда.

Энди аниқ вазифаларга келсак, вилоятлардан кўрикка ташриф буюрадиган иштирокчилар 12 март куни Тошкент шаҳрига етиб келишлари керак. Кўрик-танлов манзили халқ ижоди ва маданий-маърифий жумҳурият илмий марказида жойлашган. (Чилонзор кўчаси 2«А» — уй).

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар вилоятлардаги маданият бошқармаларига ва илмий-услубият марказларига мурожаат қилишлари лозим. Қорақалпоғистон Жумҳурияти ва ҳар бир вилоят шунингдек Тошкент шаҳридан тўрт нафар қатнашчи, жумладан йигит ва қиз хонанда, ҳамда раққос ва раққоса пойтахтимизда ўтказиладиган танловда иштирок этишлари мумкин.

Низом қоидасига кўра вилоятлардан келадиган ансамбль таркиби етти созандадан иборат бўлиши керак. Ансамблда най, чанг, ғижжак, қашқар рубоби, афғон рубоби, дутор, доира каби халқ миллий чолғу асбоблари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Раққос ва раққосалар ўзлари билан қўшимча тарзда доирачи олиб келишлари мумкин.

Кўрик-танлов Муқимий номидаги мусиқали-драма театри биносида ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга сим қоқишингиз мумкин: 77-11-49, 45-36-58.

(«ХАЛҚ СЎЗИ» рўзномасига қуйидаги телефон орқали мурожаат этилади: 32-35-80).

ЖУЛБАРОҚ ТЎҚИЛМОҚДА

КИГИЗ-ку, Туркистон ўлкасининг барча қишлоқларида бор, аммо жулбароқчи? (Баъзи жойларда уни бароқ, зулбароқ, жулқиз, журқурс ҳам дейдилар). Жулбароқ тўқиш асосан Жиззах атрофидаги тоғ районлари аёлларига хос одат. У ғоят қулай, енгил, қоқишга ҳам осон, хоҳласангиз, тўшанчи, хоҳласангиз ёпинчи сифатида ишлатаверасиз. Эгилиб-букилаверади, гилам каби нозик эмас, аммо баъзи жиҳатлари билан гиламдан афзал.

70 йил давомида кўплаб маданий инқилоблар қилишимизга қарамасдан, Булунғур, Бахмал, Ғаллаорол, Зомин районларида жулбароқ тўқиш сусаймади. Бу ерда келинчаклар ўз сепи учун камида битта жулбароқ тўқиши одат тусига кирган.

Ана шуларни ҳисобга олган Зомин район маҳаллий саноат моллари ишлаб чиқариш корхонаси жулбароқ, гилам, кигиз, бошқа тўшанчи тўқувчи қизларни, аёлларни ўз паноҳига олди. Уларга буюртмалар берадиган бўлди. Ҳозир корхонада йигирма нафар аёл ишлаяпти. Ўтган йили улар 1 миллион 590 минг сўмлик мол сотишди.

Корхона касаначиларни турли-туман ип ва бўёқлар билан таъминлаётир.

Абулқосим МАМАРАСУЛ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИШ БАРАВЖ

ЗОМИН ўрмон хўжалигида боғ 50 гектар, пистазор 100 гектар кўпайди. Ўрмончилар энди аввалги йиллардагидай катта ҳаражатлар эвазига қаёқлардандир кўчат келтирмай, балки ниҳолчиликни ўзлари йўлга қўйдилар.

Шунингдек, улар ўтган йили 8 тонна эфир мойи, бир тонна ёввойи чой ўти, 7 тонна кийик ўт, 280 килограмм зира йиғдилар.

Жўрақул МАМАТҚУЛОВ.

ЧОЙХОНАДА ҚУРЪОН ҚИРОАТИ

ТОШКЕНТ районидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Ҳалимкоп чойхонасида Қуръони каримни қироат қилиш ва эски ўзбек алифбосидан сабоқ берилмоқда. Эрталаб соат 6 ва кеч соат 19 да ўтказилаётган машғулотларда кўпгина ёшу кексалар фаол иштирок этмоқдалар. Машғулотларни маҳалла фаолларидан Соат домла Халилов олиб бормоқда.

Гулнора ЭРГАШ қизи.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

«ҲАМКОРЛИК»

ТМТСБ

ТОШКЕНТ ҲУДУДЛАРАРО ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон биржалар конгресси муассисларидан биридир.

«Ҳамкорлик» биржаси Болтиқбўйи, Россия, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёдаги 60 дан ортиқ биржа билан ўзаро алоқалар боғлаган.

«Ҳамкорлик» биржаси — брокерлик маданияти, этикаси ва ҳаққонийлигига кафолат берадиган Сизнинг ишончли ҳамкорингиздир.

«Ҳамкорлик» биржаси ўз брокерлик ўринларини яна сота бошлади.

Манзилимиз: **Тошкент, Лоҳутий кўчаси, 16-А-уй. Метронинг Ойбек номли бекати.**

Телефонлар: **54-93-31, 41-33-04.**

«ФУМИКАР»—ЯНГИ КОРХОНА

Союзгоскартиннанинг Ўзбекистондаги хўжалик ҳисобида ишлаётган фумигацион отряди «ФУМИКАР» жамоа корхонасига айлантирилди.

Барча даъволар ушбу эълон босилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

«Фумикар» жамоа корхонаси Ўзбекистон Республикасидаги ҳамма корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, колхозлар, совхозлар, ҳарбий қисмлар ва алоҳида шахсларнинг омборлари, юк хоналари, маҳсулот солинган ҳар қандай идишлари, чет элда тайёрланган юк ашёлари, шунингдек, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини зараркунанда, турли касалликлардан фумигация усулида юқумсизлантиради.

Бу хўжалик ва алоҳида шахсларга етиши мумкин бўлган улкан зарарларнинг олдини олади.

Юқумсизлантириш учун барча ишлар «Фумикар» жамоа корхонасининг ашёлари ва жамоа аъзоларининг кучлари билан амалга оширилади.

ИҚТИСОДИЙ ФОЙДА ОЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ, БИЗ БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗИНГ!

Манзилимиз: **Тошкент-100, А. Қаҳҳор кўчаси, 39-уй.** Телефонлар: **55-22-16, 55-23-74.**

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши*

МАНЗИЛИМИЗ: *700000, ГСП Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 19-уй*

Телефонлар: 32-07-94, 33-07-48, 33-10-60. Эълонлар бўлими: 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма № Г-30. 100000 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 22.00. Босишга топширилди: 21.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12